

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК - МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:631.671:338.43(575.1)

САНГИРОВА УМИДА РАВШАНОВНА

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ВА
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 —«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2012

Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институтида бажарилган

Илмий рахбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Умурзақов Ўктам Пардаевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Хушматов Норкул Садуллаевич

иқтисод фанлари номзоди
Шохўжаева Зебо Сафоевна

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «_____» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “___” _____ тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, и.ф.д.

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сувдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Республика бўйича экин майдонларини суғориш учун йилига ўртача 55 млрд. м³ сув талаб этилади ва ушбу миқдордаги сув Марказий Осиё давлатларида истеъмол қилинадиган жами сув ресурсларининг деярли ярмига тенг. Айтилишича республика қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сувнинг 80 фоизидан ортиғи кўшни давлатлар ҳудудларидан оқиб келиши сув режими барқарорлигини республикамиз ҳудудида ташкил этиш имкониятини чегаралайди. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида сувдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти жуда юқори.

Сувдан самарали фойдаланиш муайян даражада тупроқ унумдорлигини сақлаб туришга таъсир этади. Давлатимизнинг аграр сиёсати сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ва тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб боришни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш”¹ зарурлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Фермер хўжаликлари устуворлик асосида ривожланиши оқибатида сувдан фойдаланиш тизими анча мураккаблашди. Хусусан, илгари қишлоқ хўжалиги ерлари ширкат хўжаликлари ихтиёрида бўлган ва ҳудудни сув билан таъминлаш ҳам улар зиммасида бўлган. Бу масала аксарият ривожланган давлатларда Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) томонидан тартибга солиниб борилади.

Шу боисдан, республикамизда ҳам сув истеъмолчилари уюшмалари тузилиб, сув етказиб берувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида бозор иқтисодиётига хос иқтисодий муносабатлар шаклланмоқда. Йилдан-йилга ушбу муносабатларни янада такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Сув истеъмолчилари чекланган миқдордаги сувни олиш, ундан ва ички сув хўжалик объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ҳамда бошқа фаолиятларини амалга оширишда ўзаро келишиб ишлаши қийин. Чунки, мустақил товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари алоҳида ҳолатда ҳудуддаги ирригация ва мелиорация объектларидан фойдаланишни бошқариш, молиялаштириш масалаларини ҳал этиши жуда қийин. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида СИУлари ва сув истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.- Т.: «Ўзбекистон», 2012. -Б. 9.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув хўжалиги тизимини ривожлантириш ва сувдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Реггу, Т.С.Хачатуровларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган².

Республикаимиз миқёсида сув хўжалиги соҳасини ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари А.Абдуғаниев, Р.А.Абдуллахонов, С.Ч.Джалалов, В.Духовный, Б.Жўракулов, М.В.Ким, М.Маткаримов, М.Машарипова, О.Олимжонов, Ғ.Қудратов, Э.Ф.Трушин, Ў.П.Умурзоқов, Б.У.Ҳасанов, Қ.А.Чориев, А.С.Чертовицкий, З.С.Шохўжаевлар илмий асарларида таҳлил қилинган³.

Мазкур тадқиқотларда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи ва уни муҳофаза қилувчи технологияларни жорий этиш, сув ресурсларини баҳолаш, сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш, сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, СИУлари фаолиятини ривожлантириш каби масалаларга эътибор қаратилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётда Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг

² Perry C. Water at any price? Issues and options in charging for irrigation water // Irrigation and drainage -2001. -№3, -С. 24-27; Хачатуров Т.С. Экономика природопользования. – Москва: Экономика, 1982.- 138 с.;

³Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004.-304 б.; Абдуллаханов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. -22 б.; Джалалов С.Ч. Дефицит водных ресурсов: проблемы и решения // Экология ахборотномаси. –Тошкент, 2001. - № 2. - С. 12; Духовный В.А., Соколов В.И. Водохозяйственные проблемы стран бассейна Аральского моря: десять лет сотрудничества и перспективы // Ташкент: Мелиорация и водное хозяйства, 2002. - № 1. - С. 66-70; Жўракулов Б., Мирзаев Ш., Ортиқов А., Назаров А. Сув тежаш технологияларининг ғалла ҳосилдорлигига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2003. - № 10. – Б. 33-34; Ким М.В. Эффективность реконструкции орошаемых земель и пути её повышения: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Ташкент, 2002. – 21 с.; Маткаримов М. Сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Самарқанд, 2006.- 22 б.; Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Тошкент, 2006. – 23 б.; Олимжонов О. СФУ ларнинг ташкилий ва молиявий фаолиятини такомиллаштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, -2003. -№3.-Б.4-5; Қудратов Ғ. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2008. -24 б.; Трушин Э.Ф. Роль аграрного сектора в достижении устойчивого экономического сектора // Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. - Т.; 1998.-С. 310-323; Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. Ўқув қўлланма. 1-жилд. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2008. – 607 б.; Ҳасанов Б. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент, 2005. -30 б.; Чориев К.А. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари. II-том. Конференция маърузалар тўплами. –Тошкент: ТИМИ, 2007. – 48 б.; Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Вопросы платного водопользования //Аграрная наука.- Ташкент, 2005. - №11. – С. 18-21; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Тошкент, 2010. -23 б.

илмий тадқиқот режалари асосида, хусусан, ҚХА-7-107 рақамли давлат гранти вазифалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодий эркинлаштириш шароитида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилди:

- қишлоқ хўжалигида Сув истеъмолчилари уюшмалари ўрни ва улар фаолиятини ривожлантириш заруриятини асослаш;

- қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини очиқ бериш;

- иқтисодий модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига баҳо белгилаш муаммоларини назарий жиҳатдан ёритиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишдаги ўрни ва аҳамиятига баҳо бериш;

- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги хорижий тажрибалар юзасидан хулосалар тайёрлаш;

- қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришда инвестицион фаолликни рағбатлантириш имкониятларига баҳо бериш;

- СИУлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари шартномавий муносабатларни такомиллаштириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини жорий этиш юзасидан ҳуқуқий тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида СИУ ва қишлоқ хўжалик корхоналари, монографик тадқиқотлар учун эса Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган СИУлари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети. СИУлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида сувдан фойдаланиш ва уни етказиб бериш борасида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида абстракт-мантаний, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил усулларида кенг қўламда фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси. Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар амалиётга татбиқ этилиши қишлоқ хўжалигида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва сув истеъмолчилари ўртасидаги ташкилий муносабатларни такомиллаштиради.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- хусусий мулк асосида фаолият юритувчи ва экин майдонлари кичик бўлган кўплаб сув истеъмолчиларининг ягона ирригация тизимидан жамоа бўлиб фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

- ирригация иншоотларининг техник ҳолати талабларга жавоб бермаслиги туфайли, жумладан, сув танқис шароитларда сув сарфи 20-25 фоизга ошиши билан бирга, фермерга ўз вақтида ва керакли миқдорда сув етиб келишига тўсиқ бўлаётганлиги сабабли, тизимни техник жиҳатдан модернизация қилишга инвестициялар жалб этиш йўналишлари таклиф этилган;

- экинларни суғоришда бир гектар майдон ҳисобига тўғри келувчи насос харажатлари улардан фойдаланиш кўламига қараб, ўртача 35-210 минг сўм ораликда ўзгариб турадиган ҳозирги вазиятда СИУ балансидаги насослардан фойдаланувчи фермер хўжаликларини қуйидаги учта гуруҳга бўлиш таклиф этилган:

I-гуруҳ. Бир гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган насос харажатлари (ўртача 75-85 минг сўмлик) ягона ер солиғининг 50 фоизидан кам бўлган фермер хўжаликлари;

II-гуруҳ. Бир гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган насослардан фойдаланиш харажатлари (ўртача 75-85 минг сўмлик) ягона ер солиғининг 50 фоизидан кўп бўлган фермер хўжаликлари;

III-гуруҳ. Бир гектар экин майдони ҳисобига тўғри келадиган насос харажатлари ягона ер солиғи миқдоридан кўп бўлган фермер хўжаликлари.

- экинларни суғоришда насос харажатлари мавжуд бўлган фермер хўжаликларини молиявий рағбатлантиришнинг қуйидаги йўллари таклиф этилган (давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштирувчи фермерлар учун):

а) I-гуруҳ, фермер хўжаликларини пахта ва ғалла экин майдонлари учун тўланадиган ягона ер солиғини мутаносиб равишда 35-40 минг сўмгача камайтириш орқали рағбатлантириш;

б) II-гуруҳ, фермер хўжаликларини пахта ва ғалла экин майдонлари учун тўланадиган ягона ер солиғидан тўлиқ озод қилиш орқали молиявий рағбатлантириш;

в) III-гуруҳ, фермер хўжаликларини пахта ва ғалла экин майдонлари ҳисобига тўғри келадиган насос харажатларини қоплаш учун субсидиялар ажратиш йўли билан.

Ишнинг илмий янгилиги:

- қишлоқ хўжалигида СИУларининг ўрни ва улар фаолиятини ривожлантириш зарурияти илмий-амалий жиҳатдан асосланган;

- қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ёритилгани ҳолда бозор шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан пуллик асосда фойдаланиш тўғрисида илмий тавсиялар тайёрланган;

- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш борасида хорижий тажрибаларга асосан сувни тежовчи техника ва технологияларни

жорий этишда давлатнинг молиявий кўмаги билан бирга, фермерлар маблағи жалб этилишини рағбатлантириш тизимидан фойдаланиш таклиф этилган;

- қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришда инвестицион фаолликни рағбатлантириш имкониятлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналарини табақали солиққа тортиш тизими таклиф этилган;

- СИУлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида сув етказиб бериш борасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари кузатувини кучайтириш орқали шартнома муносабатларини ривожлантириш лозимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, умумий хулосалар ва тавсиялар Сув истеъмолчилари уюшмаси фаолияти билан, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш билан боғлиқ назарий билимларни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, ишлаб чиқилган тавсиялардан қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишга қаратилган Давлат дастурлари, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг **амалий аҳамияти**, тадқиқот ишининг амалий тавсияларидан мамлакатимизда сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланувчилар, шу жумладан, фермер хўжаликларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида амалий тавсиялар сифатида фойдаланиш билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида «Сув хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», «Сув истеъмолчилари уюшмалари ва уларни ташкил этиш» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида олинган ишланма ва амалий тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2011 йил 30 майдаги далолатнома) ва Бўз сув ирригация тизими бошқармаси (2012 йил 3 февралдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот материалларидан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида (2011 йил 21 апрелдаги маълумотнома) «Сув хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», «Сув истеъмолчилари уюшмалари ва уларни ташкил этиш» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Диссертация илмий ғоялари ва хулосалари «Сув ва қишлоқ хўжалигининг замонавий муаммолари» (Тошкент, 2006), «Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқ инфратузилмаси объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» (Тошкент, 2007), «Проблемы устойчивого развития

мелиорации и рационального природопользования» (Москва, 2007), «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» (Тошкент, 2009), «Социально-экономические и экологические проблемы сельского и водного хозяйства» (Москва, 2010), «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлатнинг аграр сиёсати ва унинг устувор йўналишлари» (Тошкент, 2010) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институти кафедралараро илмий семинарида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги: тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари ўн иккита илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация матни 155 бетдан иборат бўлиб, 22 та жадвал, тўққизта расмни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосини суғорма деҳқончилик ташкил этиши боис сувдан самарали фойдаланиш аҳамияти ортиб боради. Экин майдонларининг 98 фоизини суғориладиган ерлар ташкил қилгани ҳолда, республикада сарфланадиган сувнинг 85 фоизи қишлоқ хўжалигида истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, сувдан самарали фойдаланиш, уни адолатли тақсимлаш, сув сарфини тежаш усулларида нумли фойдаланиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Орол денгизи ҳавзасида шаклландиган жами сув ресурсларининг атиги 10 фоизга яқини Ўзбекистон ҳудудига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати қанчалик долзарб эканлигига янада ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Амударё ҳавзаси бўйича сув ресурсларининг 6,6 фоизи, Сирдарё ҳавзаси бўйича эса 17,7 фоизи шаклланади⁴.

Сув ресурсларининг трансчегаравий характерда эканлиги давлатлар ўртасида сувдан фойдаланиш масаласида дунёда қабул қилинган усул ва механизмлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Айни пайтда республикада амалга оширилаётган ислохотлар талабидан келиб чиқиб, сувдан фойдаланишнинг куйи бўғинида Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) ташкил этилди.

⁴ Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

СИУлари асосан аниқ ирригация-мелиорация тизимига боғлиқ бўлган сув истеъмолчиларининг ўз хоҳиши билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нотижорат ва нодавлат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг зарурлиги сувдан фойдаланишдаги муаммоларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда қуйи бўғинда ҳам, сув хўжалиги тизimini тартибга солишда ва молиялаштиришда давлат иштироки зарурияти сақланмоқда. Чунки, ирригация ва мелиорация тизими объектларини сув истеъмолчилари маблағи ҳисобига эксплуатация қилиш, модернизация қилиш ҳам молиявий қийинчиликлар билан боғлиқ. Шу билан бирга, сув ресурслари тақчиллиги ва сувдан фойдаланувчилар сони жуда кўплиги шароитида сувдан жамоа бўлиб фойдаланиш мавжуд муаммоларни ҳал этишда самарали йўл ҳисобланади.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланиш кўйидаги гуруҳдаги масалаларни ҳал этишни талаб этади (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари⁵

⁵ Расм муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда республикамиздаги қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишни тартибга соладиган субъект СИУ ҳисобланади. СИУлари нотижорат, нодавлат ташкилоти сифатида таъсис этилганлиги боис, у ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш, ўз аъзолари билан келишилган ҳолда ўзаро муносабатларини мустақил ўрнатиш имкониятига эга.

СИУнинг асосий вазифаларидан бири – ҳудудда сувдан самарали фойдаланиш тадбирларини режалаштириш ҳисобланади. Лекин, бугунги кунда аксарият ҳолларда СИУлари томонидан сувдан фойдаланиш режалари, графиклари ишлаб чиқиладигани йўқ, уларга амал қилиш эса янада қийин кечмоқда.

Сув истеъмолчиларининг самарали фаолият кўрсатиши барқарор уюшманинг юзага келиши ва ривожланишига имкон яратади. Уюшманинг самарали фаолияти ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришнинг фойдалилик даражаси ортишига олиб келади. Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларига суғориш учун ажратиладиган сувни етказиб бериш харажатларини тўла қоплаш имконияти чекланган. Аксарият истеъмолчилар иқтисодий аҳволининг заифлиги ва умуман, қишлоқ хўжалиги тармоғининг хусусиятлари доимий равишда молиявий кўмак беришни тақозо этади.

Шунингдек, республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувнинг 50 фоизига яқини насослар ёрдамида далаларга етказиб бериладиган шароитда насос станциялари, гидротехник иншоотларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ сарфларнинг тез ортиб бориши қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳолатини мураккаблаштиради. Масаланинг бошқа томони ҳам борки, сувга ҳақ тўланмаслиги, унинг қадрсизлиги юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчиларда сув сарфига нисбатан бефарқлик пайдо бўлишига ва уни тежаб-тергаб фойдаланишдан манфаатдор эмаслигига олиб келади. Ҳозирда 85-90% харажатлар сувдан фойдаланиш нархига қўшилмаслиги боис, сув истеъмолчиларига деярли текин етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга, сув учун тўловларни жорий этиш ёки исрофгарчилик учун иқтисодий жарималар тизими масаласи босқичма-босқич кўриб чиқилиши лозим. Бундай ёндашув бизнингча, иқтисодий моҳияти жиҳатидан сувни тежашнинг зарурий шарт ҳисобланади. Аммо, бу назарий жиҳатдан тўғри бўлса-да, амалий жиҳатдан масалани ҳал этишда бир томонламаликка олиб келади. Чунки, ҳозирда экинларни суғориш учун сувни етказиб берганлик учун ҳақ тўлашга тўлиқ ўтиш қуйидаги сабабларга кўра мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини тиклаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш тадбирлари катта маблағ сарфини тақозо этади;
- фермерларнинг молиявий барқарор ҳолатга эга эмаслиги ҳисобига суғориш ва экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига зарурий миқдорда маблағ ажратишнинг имкони йўқ;
- фермер хўжаликлари сувни ариқлар ва коллектор тармоқларидан олади, улар эса кўплаб хўжаликлар ҳудудидан ўтади. Натижада,

коллекторлар, ирригация ва мелиорация тармоқлари ўз-ўзидан хўжаликлараро иншоотларга айланади;

- сув ресурсларининг ярмидан кўпроғи насослар ёрдамида етказиб берилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини кескин пайсайтирувчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади ва фермерларни давлатнинг молиявий кўмагига муҳтож қилиб қўяди;

- қишлоқ хўжалигининг табиий омилларга боғлиқлиги қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий ҳолатига салбий таъсир этади. Бу эса, сувнинг пуллик асосда фермерлар далаларига етказиб берилишга жиддий тўсиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигида 10 фоизлик рентабеллик билан фермер фақатгина оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди ва бу ирригация-мелиорация иншоотларини таъмирлашга маблағ ажратиш имконини бермайди. Масалан, 2004-2010 йилларда пахтачилик фермер хўжаликларида рентабеллик ўртача 10-15 фоизни ташкил қилган. Айти пайтда фермер хўжаликлари ўлчами йириклашиб, тўлов қобилияти ошиши СИУлари хизмати учун барқарор ҳақ тўлаш имконини вужудга келтиради ва бу эса, улар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Республикада сув таъминоти ҳолатининг таҳлили кўрсатишича, кейинги йилларда сув етказиб беришда беқарорлик кузатилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасига 2006 йилда жами 6372 минг м³ сув етказиб берилган ва бир гектар экин майдони учун 15,2 минг м³ сув сарфланган бўлса, 2010 йилда бу миқдор 5964 минг м³ бўлган ва бир гектар экин майдони учун 14,2 минг м³ сув сарф этилган (1-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, Тошкент вилояти бўйича қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси турлича тенденцияга эга бўлган. Жумладан, пахта хом ашёси етиштириш учун 2006 йилда бир гектар экин майдонига 10900 м³ сув сарфланган бўлса, 2008 ва 2009 йилда мос равишда ўртача 7770 ва 7600 м³ ҳажмида, 2010 йилга келиб эса 9800 м³ ҳажмида сув сарфланган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолат сувни тежаш технологияларини жорий этиш натижаси деб эмас балки, сув етишмаслиги туфайли юз берган ҳолат деб баҳоланса тўғрироқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигига сув етказиб беришда шартнома муносабатлари яхши йўлга қўйилмаганлиги, сув истеъмолчилари томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаслиги, СИУлари кўрсатаётган хизматлар сифати паст бўлишига олиб келмоқда. Баъзи ҳолларда СИУлари маҳаллий бошқарув органларининг маъмурий бошқарув дастаги сифатида иш юритиши фермер хўжаликларини улардан янада узоклаштирмоқда. СИУлари олдига қўйилган вазифалар умумий фаолиятининг фақатгина бир қисмига айланиб қолиши фермер хўжаликлари ишончини камайтирмоқда.

Амалда сув ўлчаш асбоблари СИУлари ҳудудида ўрнатилмаганлиги ва бундай ускуналар етишмаслиги, ирригация тармоқлари талабга жавоб бермаслиги, темир бетон новли суғориш тармоқларининг аксарият қисми

**Республикада экинларни суғориш учун қишлоқ хўжалик
корхоналарига етказилган сув миқдорининг ўзгариши⁶**

Маъмурий ҳудудлар	2006 йил		2010 йил		2010 йил 2006 йилга нисбатан	
	Жами суғориш суви, (минг м ³)	Бир гектарга сув сарфи (минг м ³)	Жами суғориш суви, (минг м ³)	Бир гектарга сарф этилган сув (минг м ³)	Жами суғориш суви, (минг м ³) (+;-)	Бир гектарга сув сарфи (минг м ³) (+;-)
Қорақалпоғистон Рес.	6372	15,2	5964	14,2	-408	-1,0
Андижон вилояти	2152	10,8	2366	11,8	214	1,0
Бухоро вилояти	3103	15,5	2707	13,5	-396	-2,0
Жиззах вилояти	3193	12,2	2951	11,2	-242	-1,0
Қашқадарё вилояти	5783	13,7	6231	14,7	448	1,0
Навоий вилояти	1228	13,7	1151	12,9	-77	-0,8
Наманган вилояти	2262	11,3	2307	11,6	45	0,3
Самақанд вилояти	3014	11,8	3151	12,4	137	0,6
Сирдарё вилояти	3001	12,4	3089	12,8	88	0,4
Сурхондарё вилояти	3531	13,8	3488	13,6	-43	-0,2
Тошкент вилояти	3528	11,6	3413	11,2	-115	-0,4
Фарғона вилояти	3166	12,7	3032	12,2	-134	-0,5
Хоразм вилояти	3511	16,8	3093	14,8	-418	-2,0
Республика бўйича	43844	13,2	42943	12,8	-901	-0,4

хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги сув ўтказиш коэффициентини пайсайтиради. Кўп ҳолларда фермер хўжаликлари СИУлари фаолиятини бошқариш жараёнига номигагина жалб қилинган. Бу ҳолда СИУлари кўпинча сув етказиб бериш, ариқ-зовурларни тозалаш ва техник хизмат қилиш харажатларини қоплай олмайди ва уларни аксарият кўпчилик сув истеъмолчилари тан олишмайди. СИУлари хизмати учун ҳақ тўламаслик сабабларидан бири ҳам айнан шу ҳолат билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, фаолияти таҳлил қилинган Юқори Чирчиқ тумани «Қараша» СИУнинг дебиторлик қарзи 2006-2010 йилларда қарайиб олти мартага ортган (2-жадвал).

СИУларини кадрлар билан таъминлаш, сув тежамоклигини таъминлайдиган, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи суғориш усуллари жорий этилишини доимо рағбатлантириб бориш талаб этилади. Чунки, СИУларининг фаолияти фақат сув етказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, келажакда сув тежовчи технологияларни жорий этиш масалаларини ҳам кўзда тутиши лозим.

⁶ Муаллиф томонидан Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Қибрай тумани «Маданият Ён ариқ» СИУ ва Юқори Чирчиқ тумани «Қараша» СИУ фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари⁷

Кўрсаткичлар	Қибрай тумани «Маданият Ён ариқ» СИУ			Юқори Чирчиқ тумани «Қараша» СИУ		
	2006 йил	2010 йил	2010 йил 2006 йилга исбатан, (%)	2006 йил	2010 йил	2010 йил 2007 йилга исбатан, (%)
СИУ ходимлари сони (киши)	10	8	80	5	3	60
СИУ аъзолари сони	79	58	73,4	66	43	65,2
Шундан: фермер хўжаликлари	69	48	69,6	41	18	43,9
Хизмат кўрсатилган майдон, (га)	881	881	100	1474	1474	100
Режадаги хизматлар қиймати (минг сўм)	6970	11018	158	3400	7222	2,1 марта
Ўртача бир гектар ҳисобига тўлов (сўм)	7500	12000	1,6 марта	2300	4800	2 марта
Кўрсатилган хизмат ҳажми (минг сўм)	5900	10420	1,7 марта	2320	5888	2,5 марта
Ундирилган тўлов миқдори (сўм)	6698	8450	126,1	1622	1670	103,0
Кўрсатилган хизматга нисбатан, (%)	89	70,5	-22 б.	70,6	35	-36 б.
СИУ дебитор қарзи миқдори (минг сўм)	1070	1970	1,8 марта	698	4218	6 марта
Кредитор қарзи миқдори (минг сўм)	450	775	1,7 марта	600	3680	6,1 марта

Сувдан самарали фойдаланиш борасидаги жаҳон тажрибасига назар ташлар эканмиз, дунёда биронта ҳам давлат қишлоқ хўжалигида Ўзбекистон каби суғориладиган ерлардан деярли 100 фоиз фойдаланмайди. Ўзбекистон ҳудудида вегетация даврида ёгингарчилик умуман кузатилмаслиги туфайли тупроқ намини фақатгина суғориш орқали ушлаб туриш мумкин.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларда суғориш технологиясини такомиллаштиришга катта аҳамият берилади ва прогрессив суғориш усуллари дастлабки капитални кўпроқ талаб қилса ҳам, сув ва меҳнат сарфини тежаш имконини беради. Бу, айниқса ишчи кучи қиммат бўлган давлатларда муҳим аҳамият касб этади. Дунё мамлакатлари ҳар бирининг сув

⁷ Тошкент вилояти Қибрай тумани «Маданият Ён ариқ» ва Юқори Чирчиқ тумани «Қараша» СИУлари иқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисобланди.

хўжалиги бўйича тарихий анъаналари, суғориш тарихи ва бошқа жиҳатлари бир-биридан фарқ қилади. Шу жиҳатдан ҳам, хорижий тажрибаларнинг республикамиз учун аҳамиятли жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин (2-расм).

Сув хўжалиги тизимидаги афзаллик жиҳатлар	Республика сув хўжалиги тизимидан фойдаланиш йўналишлари
<p>1). Сув ресурслари учун табақали тўловнинг жорий этилиши (Туркия) мисолида:</p> <ul style="list-style-type: none"> • сув иншоотларини эксплуатация қилиш солиғи экин майдони ҳисобига белгиланади; • гидромелиоратив объектларни қуриш маблағлари бир қисмини қоплаш учун тўлов жорий этилган. 	<p>Балансида насослари бўлган СИУлари учун давлат томонидан маълум миқдордаги харажатларни қоплаб беришни кўзда тутиш орқали фермерлар қўллаб-қувватланиши лозимлиги.</p>
<p>2). Давлат сув хўжалиги тизими сарфини гидроэнергетика ресурсларини сотиш ҳисобидан қоплаш механизмини жорий этган (Туркия):</p> <ul style="list-style-type: none"> • суғориладиган ерлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланишнинг назоратга олинганлиги. 	<p>Суғориладиган унумдор ерларни аҳолига уй-жой қуриш ёки бошқа мақсадларда фойдаланишнинг қаттиқ назоратга олиниши лозимлиги.</p>
<p>3). Суғориш тизими харажати давлат бюджети 75% ва сувдан фойдаланувчилар ҳисобига 25% қопланиши белгиланган (Хитой).</p>	<p>СИУлари ҳудудига тўғри келувчи сув хўжалиги тизими сарф-харажат табақали тўлаш усулини жорий этиш.</p>
<p>4). Истеъмолчиларига сув ажратиш ҳудуддаги мавсумий ёғингарчилик миқдорларини ҳисобга олиб тўғриланиб борилади (Исроил).</p>	<p>Фермер хўжаликларига сув лимитини белгиланишида ёғингарчилик миқдорини ҳисобга олиш.</p>
<p>5). Сув лимитдан ортиқ ишлатилса, ортиқча сарф учун таннархга нисбатан 10 баробар кўп жарима белгиланган (Исроил).</p>	<p>Сув сарфи учун таъсир қилувчи жарима ёки рағбат чораларини белгилашнинг зарурлиги.</p>
<p>6). Суғориш сув исроф қилинганда ҳар кубометр ташлаб юборилган сув учун 0,50 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаш (Исроил).</p>	<p>Ишлатилмай ташлаб юборилган сув тупроқ мелиоратив ҳолатини бузгани боис, айбдорни жаримага тортиш.</p>
<p>7). Дунёнинг аксарият давлатларида сув ресурсларидан фойдаланишда қабул қилинган қонунлар сувнинг тижорат мақсадларида ишлатилишига йўл қўймаслиги.</p>	<p>Сув хўжалиги тизимининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши тўғрисидаги фикрларга чек қўйиш учун асос бўлиши мумкинлиги.</p>

2-расм. Сувдан фойдаланишда хорижий тажрибаларнинг муҳим жиҳатлари⁸

Тадқиқотлар кўрсатишича, бир хил табиий-иктисодий шароитдаги, аммо, турлича суғориш тизимидан фойдаланадиган фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи фермер меҳнатига боғлиқ бўлмаган ҳолда турлича бўлишига сабаб бўлади. Яъни, насослар ёрдамида экинларни суғоришда бир майдон ҳисобига насослар маркаси, сувни кўтариш босқичи, баландлигига боғлиқ ҳолда ўртача 45 минг сўмдан 170 минг сўмгача насос сарф-харажатлари тўғри келади. Бу, айниқса, унумдорлиги паст ерда фаолият юритадиган фермерлар учун катта молиявий юк ҳисобланади. Шу боис, насослар ёрдамида экинларини суғорадиган фермер хўжаликларини

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

молиявий қўллаб-қувватлашда насос харажатлари миқдорига боғлиқ тарзда қуйидагича ёндашишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. Насослар ёрдамида экинларни суғорадиган фермерларни молиявий рағбатлантириш йўналишлари (таклиф)⁹

1. Давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштирувчи ва насослардан фойдаланадиган фермер хўжаликларини бир гектар экин майдони ҳисобига насос харажатидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратиш лозим.

Бунда бир гектар майдон ҳисобига суғориш учун насос харажатлари энг кам бўлган фермер хўжаликларини ягона ер солиғи тизими орқали рағбатлантириш (бу механизм солиққа тортиш тизимида назарда тутилган, ammo миқдори жуда камлиги туфайли таъсир кучига эга эмас) лозим.

2. Бир гектар экин майдони ҳисобига насос харажатлари мазкур фермер хўжалиги тўлайдиган ягона ер солиғи миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлган тақдирда, фермер хўжалигини ягона ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод этиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш лозим.

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

3. Насос харажатларини фермер хўжалиги айни пайтда тўлайдиган ягона ер солиғи билан ҳам қопланмайдиган экин майдонларида пахта ва ғалла экувчи фермер хўжаликлари (фақат пахта ва ғалла экин майдонига мутаносиб равишда) ягона ер солиғидан озод этилган ҳолда, насос харажатларининг ягона ер солиғи билан қопланмайдиган қисмини давлатнинг субсидиялари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Бунда зарур бўладиган қуйидаги маълумотлар ҳар бир туман бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан аниқланиши лозим:

- алоҳида фермер хўжаликларида насос орқали суғорилаётган пахта ва ғалла экин майдонлари ҳажми ва тупроқ балл-бонитети;

- насос русуми, сув кўтариш босқичи, баландлигидан келиб чиққан ҳолда насос орқали суғориш учун қилинган меъёрий сарф-харажатлар;

- насос билан экинларини суғорадиган алоҳида фермер хўжаликлари томонидан жорий йилда тўланадиган ягона ер солиғи миқдори;

- пахта ва ғалла экин майдонлари насослар ёрдамида суғорилаётган фермер хўжаликларида насос харажатининг ягона ер солиғи билан қопланмайдиган қисми ва бу мақсад учун ажратиладиган субсидия миқдори ҳисобидан аниқланади. Шу ҳисоб-китоблар асосида насос билан экин майдонларини суғораётган фермерларга ажратиладиган субсидиянинг умумий миқдори аниқланади.

5. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси туманлар бўйича ажратилиши лозим бўлган субсидия миқдорини жамлаб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги насос харажатларини қоплаш учун ажратилиши лозим бўлган субсидия миқдори тўғрисидаги маълумотни тегишли тарзда ҳукуматга тақдим этади.

Ички ва хўжалиқлараро ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, модернизация қилиш тадбирларини молиялаштиришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш талаб этилади:

- қишлоқ хўжалигида инвестицион фаолликни оширадиган қонунчилик базаси барқарорлигини таъминлаш;

- замонавий ускуналар олиб келишда бож ва солиқ тартибларини соддалаштириш, мақсадли солиқ ҳамда бож имтиёзларини жорий этиш;

- хорижий инвестицияларни киритиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқий маданиятни ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш устидан доимий мониторинг ўрнатиш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби тадбирлар аҳамияти жуда юқори.

Шартномалар сув истеъмолчилари ва СИУлари ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган ҳамда ўзаро муносабатларининг асосини ташкил этувчи ҳужжат ҳисобланади. Аммо, сувдан фойдаланиш борасида шартнома тузишда томонлар эркинлиги масаласида қуйидаги нисбийликлар мавжуд:

- томонлар шартномани тузишдаги тўлиқ эркин ва ўз манфаатини эркин ифодалаши - барча учун умумий шарт бўлсада – СИУлари фаолиятида бу шартлар уларнинг танлов имкони йўқлиги туфайли бир мунча чекланади;

- шартнома тузишда томонлар келишиб оладиган шартлар юзасидан тўлиқ розилиги - барча учун умумий шарт бўлсада – СИУлари фаолияти доирасида томонларнинг тўлиқ розилиги нисбий. Чунки, фермер ер майдонлари ирригация тармоғи бўйлаб турлича шароитда жойлашган;

- шартнома ижроси юзасидан томонлар тенглиги - барча учун умумий шарт бўлсада – СИУларининг таъсисчилари фермерлар эканлиги тенглик масаласи моҳиятини бир қадар ўзгартиради;

- маҳаллий бошқарув органлари шартнома тузиш юзасидан кўрсатмалар бериши қонунларда тўлиқ ман этилганлиги - барча учун умумий шарт бўлсада – СИУлари фаолиятида баъзан маҳаллий бошқарув органларининг (Туман ҳокимлиги, Туман ҚСХБ) меъёрлар даражасида таъминлаш учун сув етишмаслиги боисдан қисман маъмурий аралашуви талаб этилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам сув етказиб беришда шартнома муносабатларини такомиллаштиришда қуйидагиларга аҳамият бериш талаб этилади:

- шартнома шартлари бажарилиши устидан давлат назорати билан бирга жамоат назоратини ҳам йўлга қўйиш лозим;

- сув етказиб беришдаги шартномаларга қарамай, об-ҳаво ўзгариши туфайли сув миқдори камайиши, ёғингарчиликлар миқдорининг сув таъминотига таъсири, ирригация тармоқлари ҳолати сув таъминотига кучли таъсир кўрсатиши;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари монополист ташкилотлар хизматидан фойдаланиб зарар кўрадиган бўлса, давлат ташкилотлари ёрдами зарур;

- сув истеъмолчиларининг ҳуқуқшуносга эга бўлишини таъминлаш лозим. Масаланинг иккинчи томони, ҳуқуқшуносга эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ишлаётганлигини билган хизмат кўрсатувчи ташкилот шартнома шартларини «хурмат қилишга» мажбур бўлади;

- кўпинча фермер тузилган шартномалар шартлари бузилганлигини билса ҳам, судларга мурожаат қилмайди. Чунки, шартнома шартлари бузилиши ҳолати тегишли равишда расмийлаштириб борилмайди.

Бугунги кунда СИУлари томонидан белгиланаётган чоралар ҳудуддаги сувдан фойдаланувчилар учун бажарилиши талаб этиладиган мажбурий ҳужжатга айланиши лозим. Лекин, амалда СИУлари қарорлари бундай мақомга эга эмас, ёки СИУ томонидан ўз қарори ижросини талаб қиладиган механизм мавжуд эмаслиги сув тақсмоти борасида муаммоларни пайдо қилади (4-расм).

СИУ сувдан самарасиз фойдаланган истеъмолчига иқтисодий жарима белгилаши ва уни ундириши, сувдан самарали фойдаланган истеъмолчи учун эса рағбатлантирувчи тадбирларни амалга ошириши лозим. Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари сув етказиб бериш бўйича СИУ билан, СИУ эса фермерлар билан шартнома тузади. Шартномада лимитдан ортиқча олинган

сув учун «Сувназорат» инспекцияси жарима ундириши, фермерни ортиқча сув олгани учун жаримага тортиши мумкин. Аммо, ҳозирча СИУларини жаримага тортиш механизми мавжуд эмас. Шу билан бирга, СИУ фермерларга тақсимланаётган сув миқдорини белгиланган лимит асосида назорат қилади ва айти пайтда сув тақсимотини ҳам СИУ амалга оширади.

Мавжуд муаммолар:	Муаммоларни ҳал этиш йўллари:
1). СИУлари томонидан қабул қилинган бошқарув қарорлари мавжуд реал шарт-шароитларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилганлиги.	СИУ хизматлари учун тўловлар, сув етказиб бериш муддатларида мавжуд шароитнинг ҳисобга олиниши лозимлиги;
2). СИУлари томонидан сувдан фойдаланишни тартибга солиш юзасидан қарор қабул қилишда фермерлар (таъсисчи) иштироки таъмин этилмаганлиги, қарорлар ижросини ташкил этишни қийнлаштиради.	Фермер СИУнинг таъсисчиси эканлиги ва қарорлар қабул қилишда иштирок этиб, ўз манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан фикрлар билдиришга ҳақли эканлиги ҳисобга олиниши;
3). СИУларининг ўз ҳуқуқлари ва вазифаларини яхши англаб етмагани ҳолда ўзларини маъмурий бошқарув органи сифатида талқин қилиб, кўрсатма бериш услубига ўтиб олиши, фермерни таъсисчи сифатида СИУларидан узоқлаштиради.	СИУларида мунтазам ўқув семинарлари ташкил этилиши лозим. Чунки, СИУларида ходимлар кўнимсизлиги, малакаси паст ходимлар ишлашининг олди олиниши;
4). СИУларининг сув ўлчаш асбобларини ўрнатиб, суғориш учун олинаётган сув сарфини ҳисобга олиш масалаларини ҳал этмаганлиги.	Гипропостлар, сув ўлчаш асбоблари куриш учун ҳудудий молиялаштириш манбалари топилиши зарурлиги;
5). СИУларининг шартнома бўйича истеъмолчиға сувни ўз вақтида ва етарли миқдорда етказиб бериш имкониятига эга эмаслиги.	Сув миқдори ўзгариши, ариқлар ҳолатини ҳисобга олиш асосида аниқ прогнозлар ишлаб чиқиш зарурлиги;
6). СИУларида сувдан фойдаланиш режаларини тузиш, чекланган сувни адолатли тақсимлаш графиги, сув миқдори ўзгаришини олдиндан прогноз қилиш ишларининг яхши йўлга кўйилмаганлиги.	СИУларида сувдан фойдаланишни режалаштириш, тезкор сув сарфи таҳлилини юритишни республика доирасида ягона тизим шаклида ишлаб чиқишнинг таъминлаши;
7). Аксарият ҳолатларда фермернинг СИУлари фаолиятида иштирок этишмаслиги, СИУлари иш фаолиятида таъсисчилар вакиллари кенгашларининг яхши ишламаслиги.	Тарғибот ишларини олиб бориш, СИУлар фаолиятига фермерларни жалб қилиш лозим. Одатда, СИУлари ўз фаолиятида фермерлар иштирокидан манфаатдор эмас.

4-расм. Сув истеъмолчилари ва СИУлари ўртасидаги ички ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари¹⁰

Демак, барча механизмлар мавжуд қонунларга асосан ишласа, фермер хўжалигига фақат лимитда бегиланган сув етиб бориши керак ва фермер томонидан ортиқча сув сарфига йўл қўйилган ҳолатда эса, СИУ айбдор бўлиши лозим. Чунки, СИУ ортиқча сувни қайсидир фермернинг даласи томонга ноўрин оқизиб юборган бўлиб чиқади. Бундай ҳолатда фермер эмас, балки СИУ жаримага тортилиши лозим. Лекин, СИУ нотижорат ташкилоти

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

сифатида жарима тўлаш мумкин бўлган фойдага эга эмас, жарима ҳисобидан СИУ ходимлари иш ҳақидан ушлаб қолиш назарий жиҳатдан тўғри бўлсада, амалда эса бу СИУлар фаолиятини издан чиқаради. Шу боис, масаланинг ҳуқуқий ечими ва амалга ошириш механизми жорий этилиши керак.

СИУлари ўз Уставлари талаблари бўйича ортиқча сув сарфига йўл қўйган истеъмолчиларни аъзоликдан чиқариши, сув беришни тўхтатиши мумкин. Аммо, амалда бундай йўлни тутиш анча қийин.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича қуйидаги **илмий хулосаларга** келинди:

1. Фермер хўжалиқларининг мулкка, етиштирилган маҳсулотга мулкдор сифатида эгаллиги, мустақил меҳнат қилишга бўлган иштиёқнинг юқорилиги, хусусий мулкнинг қонун ҳимоясига олиниши билан бирга қишлоқ хўжалигида ер ва сувни хусусийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги СИУлари фаолиятини заруратга айлантирди. Шунингдек, хусусий мулк асосида фаолият юритувчи фермер ва деҳқон хўжалиқларини сув билан хизматлар кўрсатиш тизимида ҳам давлат мулки салмоғини камайтириш зарурати пайдо бўлди. Бу муаммони назарий жиҳатдан СИУлари орқали ҳал этишга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга, яъни:

- қуйи бўғиндаги ирригация-мелиорация тармоқлари узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича давлат маблағлари етишмаслиги боис, сув истеъмолчилари маблағларининг бир қисмини жалб қилиш ҳисобига сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш талаб этилади;

- сувни самарали тақсимлаш, сув сарфи миқдорини ҳисобга олиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айниқса, сув ўлчаш асбоблари етишмаслигини бартараф этишда, сув ўлчаш тизимидаги техник муаммолар ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб ҳал этилишида СИУлари имкониятларини ошириш талаб этилади;

- баъзан фермерларга сув миқдорлари тахминан чамалаб тақсимланади. Натижада, бу сув исрофгарчилигига ва сув танқис бўлган йилларда эса турли ижтимоий низоларга олиб келиши мумкин;

- СИУлари ўз молиявий ва моддий-техника ресурслари ҳисобига ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш ва сувдан фойдаланишни ташкил этиш масаласини ҳал этиши зарур.

2. Қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланиш қуйидаги масалаларни ҳал этишни тақозо этади:

- қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг ташкилий жиҳатлари – мамлакатда амал қиладиган қонунлар доирасида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишни тартибга солиб борадиган ва шу йўналишда ташкил этилиши мумкин бўлган хўжалик юритиш субъектлари шакллари танлаш;

- қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари – истеъмолчиларга сув етказиб бериш учун тўлов белгилаш

тартиб ва усулларини акс эттирувчи иқтисодий механизмни жорий этиш, сувни тақсимлаш, сувни ўлчаш, етказиб бериш графиклари, тартиблари тўғрисидаги масалани аниқлаш, шунингдек, ички ирригация-мелиорация объектларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш тадбирлари тартиби, молиялаштириш манбаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган **илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:**

1. СИУлари балансидаги ирригация-мелиорация тармоқларидан фойдаланишга давлат томонидан молиявий кўмак берилиши билан бирга, СИУлари ва грант маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

2. Сув хўжалиги қуйи тизимида инвестицион фаолликни ошириш кўп омиллар таъсирида рўй берадиган жараён бўлиб, бунда бизнингча, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш лозим:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш чекланган ресурслар – ер, сув билан боғлиқ ва табиий-иқлим шароитларига кучли таъсир кўрсатади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга маблағ жалб этиш қисқа муддат ичида тез қайтим бермайди ва нисбатан кам қайтим беради;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар доимий равишда давлатнинг ҳуқуқий-ташкилий ва молиявий ёрдамига муҳтож;

- тармоқда турли мулкчиликка асосланувчи кўп сонли ва ўлчамлари кичик турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналарнинг фаолият юритиши;

- асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига (сувли экин майдонларининг 65-70%) давлат буюртмаси мавжудлиги ва бошқа омиллар соҳага инвестициялар киритилишида катта таъсир кўрсатади.

3. Насослар ёрдамида суғориладиган майдонларда пахта етиштирадиган фермерларни молиявий қўллаб-қувватлашда:

• давлат буюртмаси учун пахта, ғалла етиштиришда ва насослардан фойдаланадиган ва экинларни суғориш учун насос харажатлари энг кам бўлган фермерларни ягона ер солиғи тизими орқали рағбатлантириш лозим;

• бир гектар экин майдони ҳисобига насос харажатлари мазкур фермер хўжалиги томонидан тўланадиган ягона ер солиғи миқдорининг 50 фоизидан ортиб кетадиган тақдирда, бундай фермер хўжаликларини ягона ер солиғи тўлашдан тўлиқ озод этиш орқали қўллаб-қувватлаш лозим;

• экинларни суғориш учун насос харажатлари бир гектар экин майдони ҳисобига фермер хўжалиги томонидан айна пайтда тўланадиган ягона ер солиғи билан ҳам қопланмайдиган экин майдонларида фермер хўжаликлари (фақат пахта ва ғалла майдонига мутаносиб равишда) ягона ер солиғидан озод этилган ҳолда, насос харажатининг ягона ер солиғи билан қопланмайдиган қисми учун давлат субсидиялари ажратишни ташкил этиш лозим.

4. Таклиф этилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини табақаллаштирилган тарзда солиққа тортиш тизими асосида фермер

хўжаликлари ҳар бир гектар пахта ва ғалла экин майдонлари сарф-харажатлари 2,0-2,5 фоизга қадар камайиши ҳисобига 30-45 минг сўмгача даромад олиш имконига эга бўлишади. Унумдорлиги паст ерларда фаолият юритувчи фермер хўжаликлари экин майдонларининг 20-25 фоизини юқори даромад келтирувчи экинларни жойлаштириш ҳисобига олинган фойданинг 50 фоизини ирригация тизимини реконструкция қилишга жалб этиш асосий экинлар ҳосилдорлигини 3,0 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини ўртача 3-5 центнерга, пахта ҳосилдорлигини эса 1,5-2,0 центнерга ошириш имконини яратади.

5. СИУ билан истеъмолчилар ўртасида хизматлар кўрсатиш юзасидан тузиладиган шартномалар ижроси устидан давлат назорати (хўжалик судлари) билан бирга жамоатчилик назоратини ҳам йўлга қўйиш лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Сангирова У. Роль Ассоциации водопользователей в эффективном использовании водных ресурсов // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2007. - № 3. – Б. 155.

2. Абдуразакова Н.М., Сангирова У. Рыночные принципы водопользования в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Материалы юбилейной международной конференции. – Москва, 2007. – Б. 84.

3. Сангирова У.Р., Эсонова М.Й. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари // Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2007. –Б. 147-149.

4. Сангирова У. Использование водных ресурсов на основе Ассоциации водопользователей // Экономика и финансы. – Москва, 2008.- № 6. – Б.36.

5. Сангирова У. Сувдан фойдаланиш тажрибалари ва СФУ фаолияти // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. -№1. – Б. 28.

6. Сангирова У. Сувдан самарали фойдаланиш йўллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – № 9. – Б. 25.

7. Сангирова У. Қишлоқ хўжалиги яйловларида сувдан фойдаланишнинг аҳамияти // Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 79.

8. Сангирова У. Управление водопользованием с участием ассоциаций водопользователей // Экономика и финансы. – Москва, 2009. - № 8. – Б. 14.

9. Сангирова У. Ресурс тежамкорлиги – давр талаби // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. Республика илмий-анжуман конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.113.

10. Сангирова У., Далиева Ш. Совершенствование системы платного водопользования в условиях мирового финансового экономического кризиса / Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. – Москва, МГУЭ. -2010.-Б.191.

11. Сангирова У. Проблемы внедрения платного водопользования в Республике Узбекистан // Материалы международной научно-практической конференции «Социально-экономические и экологические проблемы сельского и водного хозяйства». – Москва, 2010. – Б. 118.

12. Сангирова У., Усмонов Х. Сув хўжалигини ривожлантиришда инвестицион фаоллик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2011.- №11. – Б.38.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Сангирова Умида
Равшановнанинг 08.00.04- «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича
«Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги
иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: сув истеъмоли, сувдан фойдаланиш, ирригация хизмат бадали, сув етказиб бериш, сув хўжалиги тизими, Сув истеъмолчилари уюшмаси, қишлоқ хўжалиги корхоналари, коллектор дренаж тизимлари.

Тадқиқот объектлари: Сув истеъмолчилари уюшмалари ва қишлоқ хўжалик корхоналари, монографик тадқиқотлар учун эса Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган СИУлар олинган.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва сув истеъмолчилари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: иқтисодий, статистик усул, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: қишлоқ хўжалигида Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантириш зарурияти илмий-амалий жиҳатдан асосланди; қишлоқ хўжалигида сувдан жамоа бўлиб фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ёритилган ҳолда бозор шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига баҳо белгилаш муаммолари назарий жиҳатдан очиб берилди; қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш борасида хорижий тажрибаларга асосан сувни тежовчи техника ва технологияларни жорий этишда давлатнинг молиявий кўмаги билан бирга фермерлар маблағи жалб этилишини рағбатлантириш тизимидан фойдаланиш таклиф этилди; қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришда инвестицион фаолликни рағбатлантириш имкониятлари аниқланди; СИУлар ва истеъмолчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар мамлакатимизда сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга, сув истеъмолчилари, ва фермер хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланишга қаратилган. Диссертация ишининг ғоялари ва материаллари олий ўқув юртларининг ўқув жараёнида кенг кўламда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2011 йил 30 майдаги далолатнома) ва Бўз сув ирригация тизими бошқармаси (2012 йил 3 февралдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида (2011 йил 21 апрелдаги маълумотнома) «Сув хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», «Сув истеъмолчилари уюшмалари ва уларни ташкил этиш» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Сув истеъмолчилари уюшмалари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Сангировой Умиды Равшановны на тему: «Совершенствование экономических отношений между Ассоциациями водопотребителей и фермерскими хозяйствами», представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Экономика сельского хозяйства»

Ключевые слова: водопотребление, водопользование, плата за ирригационные услуги, водообеспечение, водохозяйственная система, Ассоциация водопотребителей, предприятия сельского хозяйства, системы коллекторного дренажа.

Объекты исследования: ассоциации водопотребителей и предприятия сельского хозяйства, для монографических исследований взяты АВП, действующие в Ташкентской области.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование организационно-экономических отношений между водопотребителями и ассоциациями водопотребителей в условиях либерализации экономики.

Методы исследования: экономико-статистические, сравнительный анализ, структурный анализ, сопоставление, группировка, обобщение.

Полученные результаты и их новизна: научно практически обоснована необходимость развития деятельности АВП в сельском хозяйстве; при освещении организационно-экономических основ коллективного пользования воды практически оценены проблемы оценки водных ресурсов сельского хозяйства в рыночных условиях; на основе зарубежного опыта использования водных ресурсов в сельском хозяйстве рекомендовано внедрить водосберегающую технику и технологии при финансовой поддержке государства и использовании системы стимулирования в привлечении доходов фермеров; определены возможности стимулирования инвестиционной активности в развитии водохозяйственных сфер в сельском хозяйстве; разработаны научные предложения по совершенствованию договорных отношений между АВП и пользователями.

Практическая значимость: разработанные научно-практические предложения направлены на совершенствование системы водного хозяйства республики, эффективное использование водных ресурсов водопотребителями и фермерскими хозяйствами. Материалы диссертации могут широко применяться в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные научные выводы и практические рекомендации диссертации приняты для внедрения в производство Министерством сельского и водного хозяйства (акт № 21 от 30 мая 2011 года) и Управлением Бозсуйской ирригационной системы (акт от 3 февраля 2012 года). Материалы исследования используются при совершенствовании и преподавании учебных программ «Экономика водного хозяйства», «Экономика фермерского хозяйства», «Ассоциации водопотребителей и их организация» в Ташкентском институте ирригации и мелиорации.

Область применения: Министерство сельского и водного хозяйства, Ассоциации водопотребителей, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Sangirova Umida Ravshanovna on a theme: «Improving of economic relations between Associations of water consumers and farms» on competition of a scientific degree of the candidate of economics on a specialty 08.00.04 – «Economy of agriculture»

Key words: water consumption, water use, compensate irrigation service, water supply, the system of water economy, Association of water consumers, agriculture enterprises, system of manifold (collector) drainage.

Subjects of research: activity of water consumers Association and agriculture enterprises, but the monographic research object is water consumers Association, which acting in Tashkent region.

Purpose of work: groundwork of scientific suggestion and practical recommendations in improving organizing- economic relations between water consumers Association and agriculture enterprises in conditions of economy modernization.

Methods of research: economic and statistic methods, comparative, structural analysis, comparison, grouping, generalization.

The results achieved and their novelty: necessity of developing the activity of water consumers Association in agriculture is scientific-practically substantiated; organizing-economic basis of commonly- used water in agriculture are determined; problems in assessing of water resources in agriculture are determined in market economy conditions, and appropriate recommendations are given; foreign experience in using of water resources in agriculture is analyzed and appropriate practical recommendation are developed (exploited); the methods of investment support of branches in using water resources in agriculture are determined; scientific suggestion in improving contract relations of water supply between water consumers Association and agriculture enterprises are exploited; right basis of water using in agriculture are determined in market economy conditions.

Practical value: scientific suggestions can be used in improving water economy system in our Republic, and but water consumers and farmers as practical recommendations in effective using of water resources. Researches results can be used in higher education institutes and in scientific-research institutions as methodic handout.

Degree of embed and economic affectivity: scientific conclusions and practical recommendations of thesis (dissertation work) and water economy for application to production (act № 21 from 31 may 2011 year).

Field of application: the systems of water economy, water consumers Association, higher education institutes.